



Пойтахти – Махдийя (909-969), Кохира (969-1171). Худуди – 5.1 млн кв км (969 й). Давлат тузуми – монархия. Давлат тили – араб тили.

Фотимийлар давлати – маркази Кохирада (972 йилдан бошлаб) бўлган араб давлати. Фотимийлар давлати ўзининг энг кудратли даврида Миср, Магриб, Фаластин ва Сурия худудларини назорат қилган. Аббосийлар давлатидан ажралиб чиққан.

Сулоланинг келиб чиқиши. Фотимийлар ўзларини Али ибн Абу Толиб ва у кишининг хотини Фотима авлодлари деб даъво қилганлар. Уларга мухолиф бўлганлар бу даъвони рад этишади ва уларни Убайдийлар деб номлашади. Ўз даврида ҳаттоки Фотимийлар сулоласини яҳудийлардан келиб чиққан деб ҳам эълон қилишган. Фотимийлар шиапараст гуруҳлар бўлиб улар тахтга Али авлодларигина ҳақлидирлар деган даъвони илгари сурганлар. Улар шиаликнинг исмоилийлар гуруҳи манфаатини кўзлаб ҳаракат қилишарди. 10 аср бошларида Иффрикия (ҳозирги Тунис) худудида рўй берган тартибсизликлардан фойдаланган Абу Абдуллох ва ўзини Али ва Фотима авлоди дея даъво қилган Убайдуллох бошлик кишилар исён кўтаришди. 909 йили исёнчилар Кайрувон шаҳрини босиб олишди, ўша ерда Убайдуллох янги Махдий номи билан тахтга ўтирди.

Убайдийлар тахтга чиқибок Мисрни Аббосийлардан тортиб олишга ҳаракат бошлашди. 914 йилги юриш улар Искандарияни эгалашди, лекин орадан кўп ўтмай Муктадир жўнатган кўшиндан енгилишди. 919 йили янги юриш бошланди. Бу сафар Убадуллох флоти Розетт яқинида чўктириб юборилди, курукликдаги кўшин эса Искандарияда 920 йили аббосийлар кўшини томонидан тор-мор келтирилди. 936 йилги юриш ҳам натижасиз тугади.

Мисрни Маъад ибн Исмоил эгаллашга эришди. У кучли кўшин тузди. Флот ҳам урушга тайёр холга келтирилди. Мисрлик шиаларни ўз тарафига огдириш учун у ерга тарғиботчилар жўнатди.

969 йили Жавхар бошлик кўшин Мисрга бостириб кирди. Гиза жангида галаба қозониб Фустат (Кохира)ни эгаллади. Ўша ерни пойтахт қилиб танлади. 972 йили Маъад Кохирага келди. Шундай қилиб Миср Фотимийлар давлати таркибига кирди.

996-1021-йилларда давлатни Мансур ибн Низор бошқарди. У бир катор қонунлар

чикарди. Унга кўра мусулмонларнинг кул саклаши таъкикланди, лекин яхудийлар ва христианларга бу таъкик жорий килинмади. Шунингдек биттадан кўп хотин олиш таъкикланди. Факат фавкулудда холлардагина тўрттагача хотин олишга рухсат берилди. Яна шиалик ва суннийлик конунчилигини тенг кучда эканлиги хакида фармон чикарди.

Дарозий номли киши Мансурнинг энг якин маслахатчиси эди. У аслида бухоролик бўлиб касби тикувчи эди. Лекин у Кохирага келгач Хоким Мансур даврида фотимийлар саройига ишга олинди. У фотимийлар махсус хизмати жосуси ва фотимийларнинг фаол тарғиботчисига айланди. Фотимийлар давлати маъмуриятити асосини христианларнинг турли хил секталарига мансуб кишилар ва яхудийлар ташкил этарди. Улар Шимолий Африканинг нисбатан колок минтакаларидан жалб килинган эди. Улар мамлакат худудидаги православлар, кибтийлар, несторианлар, католиклар, арманлар ва эфиоплар ўртасидаги мутаносиблик таъминланган эди. Хоким Мансур даврига келиб православлар кучлирок мавкега эга бўлишди.

Дарозий биринчи боскичда Хокимни қўллаб анъанавий христианларга қарши ҳаракат килиб муҳолиф христиан секталари ва яхудий жамоаларини тарафини олди. Лекин орадан кўп ўтмай анъанадор христианлар устунликка эришиб Дарозийни ҳалокатга учратишди. Друзлар айнан Дарозий номи билан богликдир. 1021 йили Хоким Мансур йўқолиб қолди. Ливан тоғларида яшовчи друзлар орасида Хоким яқинда осмондан тушиши хакида гоёлар тарқалди.